

## Ҳ У К М

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил май ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида очик суд мажлисида

Раислик қилувчи М.Ғофуров,

судья ёрдамчиси А.Иргашевнинг котиблигида, Фарғона туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчининг ҳимоячиси адвокат Х.Эралиевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан Даминов Музаффар Абдуқодировични айблаш ҳақидаги 1-1502-2302/182-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Даминов Музаффар Абдуқодирович - 1978 йил 7 январда Қўштепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган, Қўштепа туман Оқтепа МФЙ Б.Марғилоний кўчаси 73-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 17 апрель куни олган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара сўзлари, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи М.Даминов 2022 йил 26 октябрь куни ишлаб пул топиш мақсадида “Қўқон” чегара божхона пости орқали қонуний тартибда Қирғизстонга чиқиб кетиб, хорижга чиқиш паспортини рўйхатга қўйиш учун қирғиз фуқаросига бериб қўйган ҳолда 2023 йил 20 январ кунига қадар Бишкек шаҳрида қурилиш ишларида ёлланма ишчи сифатида ишлаб келган.

Бироқ, шу ерда яшовчи нотаниш кимсалар унга нисбатан турли хилдаги тазйиқ ўтказиб, ҳаётига таҳдид солишганлиги сабабли 2023 йил 20 январь куни Қирғизстон Республикаси Қизил-қия шаҳри Билдиروق аҳоли пунктига чегарадош бўлган Ўзбекистон Республикаси Қувасой шаҳар Полмон МФЙ ҳудудидаги чегара сим тўсиқлар орқали Ўзбекистон Республикасига қонунга хилоф равишда ўтиб келган.

Судланувчи М.Даминов судда айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 26 октябрь куни ишлаб пул топиш мақсадида “Қўқон” чегара божхона пости орқали қонуний тартибда Қирғизстонга чиқиб кетиб,



2023 йил 20 январ кунига қадар Бишкек шаҳрида қурилиш ишларида ёлланма ишчи сифатида ишлаб келганлигини, хорижга чиқиш паспортини рўйхатга қўйиш учун қирғиз фуқароси Абдурахмонга бериб қўйганлигини, бироқ шу ерда яшовчи қирғиз фуқаролари турли хилдаги тазйиқ ўтказиб, ҳаётига таҳдид солишганлиги сабабли уйга қайтмоқчи бўлганлигини, лекин паспортини Абдурахмонга бериб қўйганлиги сабабли уни бир неча кун кутиб турганлигини, у келавермагач 2023 йил 20 январь куни Қирғизстон Республикаси Қизил-қия шаҳри Билдироқ аҳоли пунктига чегарадош бўлган Ўзбекистон Республикаси Қувасой шаҳар Полмон МФЙ ҳудудидаги чегара сим тўсиқлар орқали Ўзбекистон Республикасига ўтиб уйига қайтиб келганлигини, ҳаёти хавф остида қолганлиги сабабли чегарани бузиб ўтишга мажбур бўлганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келгусида такрорламаслигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Даминовни жиноий қилмиши ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят ишидаги алоқа хатлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи М.Даминовни белгиланган тартибни бузиб, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудидаги сим тўсиқлар орқали Ўзбекистон Республикасига қоннга хилоф равишда ўтиб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак" деб, 37-бандида "ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят кодекси махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим" деб кўрсатилган.

Суд, мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи М.Даминовга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи



ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, М.Даминов жиноят содир этишга мажбур бўлган вазиятларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ашёвий далил деб топилган М.Даминовга тегишли FA 2509610 серия-рақамли хорижга чиқиш паспортини ўзига қайтаришни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб,

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

Даминов Музаффар Абдуқодирович Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Даминов Музаффар Абдуқодировичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 1-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган белгиланган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш ва назорати Қўштепа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

М.Даминовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб топилган FA 2509610 серия-рақамли хорижга чиқиш паспорти М.Даминовни қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Ғофуров

нусхаси аслига тўғри:

